**Видио кузатув мосламаларини ўрнатиш хизматларини бажариш бўйича**

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 7 12 2

{year} й. «{day}» {month} {namber}-сон

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Норин тумани ХТБ номидан низом асосида иш кўрувчи Л.Абдувалиев- бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "NANO TECHNOLOGY 001 МЧЖ" номидан низом асосида иш кўрувчи А.Бегбоев иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**Шартнома мавзуси**

1. Пудратчи мазкур шартнома бўйича "Буюртмачи" тасарруфидаги Норин тумани халқ таълими бўлимига қарашли 1-сонли умумий ўрта таълим мактабига видио кузатув мосламаларини ўрнатиш хизматлари мажбурятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофиқ объектга видио кузатув мосламаларини ўрнатиши учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II. Умумий шартлар**

1. Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан узаро тасдиқланган (Ф-2,.Ф-3) асосида хисобга олинади хамда тулов учун тақдим этилади.

2. Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларни микдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати хужжатларига тўғри келмаса Пудратчи камчиликларни ўз хисобидан бартараф этади.

**III. Пудратчининг мажбуриятлари**

1. Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш.

2. Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкасини мухофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таьминлаш.

3. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбурятларни тулиқ хажмда бажариш мажбурятини ўз зиммасига олади.

4. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда обьектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

5. Таьмирлаш давомида хужжатларида хисобга олинмай колиб кетган ишларни ва тула муносабат билан кушимча ишларни бажариш ва ишларнинганг кийматини ошириш зарурлигини аниклаcа бу тугрисида буюртмачига ёзма равишда хабар беради

**IV. Буюртмачининг мажбуриятлари**

1. Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул килиб олиш.

2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиши.

3. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади.

**V.Тўловлар ва хисоб – китоблар**

1. Шартноманинг тузилаётган вақтдаги умумий суммаси 25 350 000 (Йигирма беш миллион уч юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

2. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи 7 605 000 (Етти миллион олти юз беш минг) сўм микдорида олдиндан тулов амалга оширилади.

3. Хисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги хисоб-ракамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи ишларини 02 декабр 2022 йилдан бошлаб 31 декабр 2022 йилгача тўлиқ бажаради. Пудратчи ишларни муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга. Бундай холатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган туртибда амалга оширилади.

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: LH47682652

Scanned with CamScanner

5. Пудратчи обьект топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича обьектга мулк хуқуқини ўзида сақлаб қолади. Обьект Буюртмачига топширилгунга қадар обьектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган такдирда Пудратчи бу хакда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиши керак.

## VI. КАФОЛАТЛАР

1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига ҳамда ишларнинг меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан ишлари учун кўлланиладиган материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг хужжатларда кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вактида бартараф килишни;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

## VII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1. Пудратчи обьектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбурятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбурятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининиг 0.5 фоизи микдорида пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## VIII.Низоларни хал этиш тартиби

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

## IX .Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

1. Агар ушбу шартнома буйича мажбурятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таьсир этса, томонлар бундай тулик ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2. Мазкур шартнома буйича мажбурятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган. Шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

3. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлар ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса у холда пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

## X.Шартномани бекор қилиш

1. Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда.

2. Пудратчи томонидан Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меьёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда.

Scanned with CamScanner

3. Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб куйилганда, конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

4. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

5. Шартноманинг бир томонлама бекор килишга йўл кўйилмайди, қонун хужжатларида тутилган холлар бундан мустасно.

## XI.Алохида шартлар

1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йукотади.

2. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, хамда Ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний хисобланади.

3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун нормалари кўлланилади.

4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

5. Шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача.

## XII. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

«Пудратчи»
MCHJ NANO TECHNOLOGY
(Хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил:Норин тумани Хужаобод МФЙ

Тел./факс: ____________________
(х/в ёки шғх) _ 20208000405502708001
Банк номи:. Агробанк Норин филиали
МФО: 00236 СТИР: 308890329

ИФУТ 46510

Рахбар ____ А.Бегбоев
(Ф.И.Ш)

«Буюртмачи»
Норин тумани ХТБ
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Норин тумани

Тел./факс
Шғв: 400122860142167092100075008
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)
Ташкилотнинг СТИРи: 200084570
ИФУТ: _

ЯҒҲ 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)
МФО: 00014 Ғазначилик бўлинмасининг СТИРи: 201122919
Рахбар ____ Л.Абдувалиев
(имзо ____)

Scanned with CamScanner

GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: SK3172483817

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA
## № OL21748618

1. **Loyiha turi** – Xo'jalik shartnomasi.

2. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana** – Norin tumani Xalq ta'limi bo'limi tomonidan 12.08.2022-yilda ishlab chiqilgan.

Shartnoma loyihasi bilan tanishib chiqib quyidagicha xulosa qilaman:

**Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

**Norin tuman Yuridik xizmat ko'rsatish markazi Bosh yuriskonsulti** **A.M.Xamdamov**

*15.08.2022-yil.*

Scanned with CamScanner

4434279

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"NANO TECHNOLOGY 001" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"NANO TECHNOLOGY 001" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

23.09.2021 1042457 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 308890329

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Namangan viloyati, Norin tumani, Xo`jaobod, Xo'jaobod MFY, Yoshkuch ko'chasi, 65-uy,

Guvohnoma: Namangan viloyati, Norin tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



Scanned with CamScanner

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 197881 на приобретение видио кузатув мосламаларини ўрнатиш

Способ проведения электронный

Дата 02.12.2022

Время рассмотрения 02.12.2022 08:40

Закупочная комиссия Норин туман халк таълими булими марказлашган хисобхона, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ABDUVALIYEV LUTFULLO ABDULXAKOVICH | Мудир уринбасари | Норин тумани халқ таълими бўлими |
| **Секретарь комиссии** | MAXKAMOV XAMIDULLO XABIBULLAYEVICH | Норин тумани халқ талими бўлими таъминотчи | Норин тумани Халқ таълими бўлими |
| **Член комиссии** | BOLTABOYEV BAXRAMJON RASHIDOVICH | Мухандис | Комиссия аъзоси |
| **Член комиссии** | MUXIDDINOV AHADJON MUXIDDIN O'G'LI | Товар моддий кимматликлар хисоби буйича бухгалтер | Норин туман халқ таълими бўлими |
| **Член комиссии** | UMIRZOQOV SHUXRATJON MAXMUDOVICH | Таьлим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Норин туман бўлими кенгаш раиси | Комиссия аъзоси |
| **Член комиссии** | DEXQONOV MUSLIMBEK BARXAYOT O'G'LI | Бош мутахассис | Норин тумани Халқ таълими бўлими |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 02.12.2022 года № лота 197881.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по монтажу и пусконаладочным работам системы видеонаблюдения** |
| Подробное описание | Услуги по монтажу и пусконаладочным работам системы видеонаблюдения |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 25 500 000.00 |
| Стартовая сумма | 25 500 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади

Тип: Текстовое значение

Scanned with CamScanner

Описание: -Инсофсиз етказиб берувчилар рўйхатида турмаслик бўйича маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| VISIONTECH MCHJ | 25 | 23500000 | 25 | Экспертная | | |
| NANO TECHNOLOGY 001 MCHJ | 25 | -Инсофсиз етказиб берувчилар рўйхатида турмаслик бўйича маълумотнома | 25 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда катнашиш кунида ДСИдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| VISIONTECH MCHJ | 25 | 23500000 | 20 | Экспертная | | |
| NANO TECHNOLOGY 001 MCHJ | 25 | Танловда катнашиш кунида ДСИдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида | 25 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади

Тип: Текстовое значение

Описание: -Ишларни бажариш бўйича объектни кўрганлик ва ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| VISIONTECH MCHJ | 20 | 23500000 | 18 | Экспертная | | |
| NANO TECHNOLOGY 001 MCHJ | 20 | -Ишларни бажариш бўйича объектни кўрганлик ва ўрганганлик тўғрисида маълумотнома | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувохномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари).

Обязательность: Критично

Scanned with CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| VISIONTECH MCHJ | 25 | 23500000 | 25 | Экспертная | | |
| NANO TECHNOLOGY 001 MCHJ | 25 | Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувохномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари). | 25 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| VISIONTECH MCHJ | 25 500 000.00 | 23 500 000.00 UZS | 23 500 000.00 | 00.00 | 23 500 000.00 | 30.11.2022 11:01:01 | 5 |
| NANO TECHNOLOGY 001 MCHJ | 25 500 000.00 | 25 350 000.00 UZS | 25 350 000.00 | 00.00 | 25 350 000.00 | 30.11.2022 23:36:56 | 4.63511 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| VISIONTECH MCHJ | 88.0004 | 5 | 93.0004 |
| NANO TECHNOLOGY 001 MCHJ | 95 | 4.63511 | 99.63511 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 197881 от 02.12.2022 года на приобретение видио кузатув мосламаларини ўрнатиш определила победителем:

NANO TECHNOLOGY 001 MCHJ
308890329

и резервный исполнитель: VISIONTECH MCHJ (306342124)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| Председатель комиссии | ABDUVALIYEV LUTFULLO ABDULXAKOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | BOLTABOYEV BAXRAMJON RASHIDOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | UMIRZOQOV SHUXRATJON MAXMUDOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | DEXQONOV MUSLIMBEK BARXAYOT O'G'LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Scanned with CamScanner